

Ishonch

2018 йил 24 феврал • шанба • № 24 (3997)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlatr@ishonch-doverie.uz

Янгича ёндашув зарурати

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида кенг камровли ишларни амалга ошириб келмоқда.

2-бет



Маънавиятимиз чегарасига қўриқчи керак!

Кино билан инсон ахлоқига таъсир ўтказиш мумкинлиги илмий исботини топган ҳақиқатдир. Айниқса, ижобий қаҳрамон сифатида талқин этилаётган образ орқали энг гўзал, файзли жамиятнинг ҳам ағдар-тўнтар қилиб ташлаш ҳеч гап эмас. Чунки инсон табиатида ўзи ёқтирган одамларга эргашилга мойиллик бор. Агар кино ижодкорлари шундай суюқли образ ярата олишса, тамом, у орқали хоҳлаган нарсаларини текин тарғиб қилиши мумкин.

3-бет



Кўчани супурмай қўйдик...

Пойтахтимиз қуздан-қунга чирой очиб бораётир. Бироқ беш қўл баробар бўлмаганидек, кўп сонли аҳоли истикомат қилаётган шаҳримизда ўзига хос муаммолар борлиги қўнғилини хира қилмасдан қолмайди.

4-бет



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2018 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Она табиатни севиш ва ардоқлаш, ҳаёт гултожи бўлиши инсоннинг қадрлаш, Ватанга муҳаббат ва садоқат каби эзгу ғояларни ўзида муҳассам этган Наврўз халқимизнинг энг қадимий, асл миллий байрамидир. Асрлар давомида эл-юртимизнинг олижаноб орзу-интилишларини ифода этиб келаётган Наврўз мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмунга эга бўлиб, том маънода умумхалқ байрамга айланди.

Наврўз байрамнинг бекиёс ижтимоий-маънавий аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда ушбу қутлуғ айёмни юксак савияда нишонлаш мақсадида:

1. 2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман, кишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори даражада ўтказишга қаратилган, «Азиз ватандошлар, хар кунингиз Наврўз бўлсин!» деган ғояни ўзида муҳассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ўн кун муддатда ишлаб чиқин ва амалга оширсин.

2. Мазкур дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз муносабати билан инсон ўзини табиат фарзанди, унинг ажралмас бир қисми деб ҳис этишини ифода этадиган, атроф-

муҳитни, она заминни асраб-авайлашга, бугунги тинч, эркин ва фаровон ҳаётни қадрлаб, уни ҳимоя қилиб яшашга қорлайдиган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш;

барча шаҳар ва кишлоқларда Наврўзнинг тарихи, мазмуни ва фалсафасини, ушбу байрамни ўтказиш билан боғлиқ урф-одатлар, қадрият ва анъаналарнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзида муҳассам этган оммавий сайиллар ўтказиш;

Наврўз кунларида ёрдамга муҳтож инсонлар, кексалар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга беғараз кўмак бериш, жамиятда ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликни қучайтиришга қаратилган савоб ишлар, хайрия тадбирлари ва оммавий ҳашарларни амалга ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган сайилларга фольклор-этнографик гуруҳлари ва ансамбллари, таникли санъаткорлар, хаваскор хонанда ва созанда, бахшилар, аскиячи ва кизикчилар, дорбозларни, ёш ижрочиларни кенг жалб этиш;

халқ сайиллари дастурларини тайёрлашда халқона ўйинлар, фольклор санъатининг энг яхши намуналарига кенг ўрин бериш, ҳунармандлик кўргазмаларини ташкил этиш, ибратли оила, ибратли маҳалла, ибратли мактаб, моҳир бахши, моҳир лапарчи йўналишлари бўйича кўрик-танловлар ўтказиш, адабий-бадний учрашувлар, китоб байрамларини ташкил этиш.

3. Ташкилий қўмита томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Наврўз байрамга бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очик мулоқот ва суҳбатлар, ижодий кечалар ўтказиш мақсадида таникли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аник режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига: Наврўз умумхалқ байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ҳокимлар раҳбарлигида ҳудудий комиссиялар тузиш; байрам сайилларини барча шаҳар, туман, кишлоқ ва овулларда босқичма-босқич равишда юқори савияда, об-ҳаво шароитини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш юзасидан тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш; март-апрел ойларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ташкил

этиш ҳамда бу борадаги ишлар энг яхши йўлга қўйилган туман, кишлоқ ва маҳаллалар тажрибасини оммалаштириш;

Мехрибонлик, Саховат, Мурувват уйлари, кам таъминланган оилалар ва ногирон шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш вазифалари юклансин.

6. Белгиланган қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетли ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджетли ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетли маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофича ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2018 йил 23 феврал

Фармон моҳияти

Қачонлардир аёллар умумий бир ном билан «ичкари» деб аталган бўлса-да ёки халқимизнинг «эркак — бош, аёл — бўйин», «аёл эркакдан бир қадам орқада юриши керак» деган ботиний қоидалари бор эрса-да, она, аёл — ҳамиша бизнинг халқ, бизнинг миллатимиз учун хонадоннинг эъзозли инсонни саналган.

Миллат юзидаги нур, қалбидаги қуёш

Жамиятда қандай тузум ҳукмронлик қилмасин (албатта, тузумларнинг муносибига қараб аёлга муносабат сал у ёки бу ёқ бўлган бўлиши мумкин), оталаримиз ўз фарзандларига:

— Онангнинг ҳурматини жойига қўй! — дея уқдирганлар. Ака-укалар ҳафтада йўқлай олмас ҳам, ҳайит-байрамларда белбоғига нон, қанд-қурс тугиб, опа-сингилларини йўқлаб борганлар. Дунёда яшовчи барча халқлар, миллатларга насиб бўлавермайдиган бундай муомала-муносабатлар бизнинг қадриятларимизнинг ўзагини ташкил қилади. Опа-сингилларимиз ҳаёти, тақдири, юксалиши билан боғлиқ фармон ва қарорлар ҳам қай бир йўллар билан ана шу қадриятларга бориб тугташаверади. Мамлакатимиз раҳбарининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонидаги хар бир банднинг моҳиятида аёлни она, инсон сифатида улуғлаш, унга муносиб ҳаёт шароитини яратиш, саломатлигини муҳофаза қилиш, касбий маҳоратини ошириш каби турмуш учун энг зарур масалалар турлади.

2»



«ТОШКЕНТ-СИТИ»: МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

«Тошкент-Сити» пойтахтимиз марказида барпо этилаётган шаҳар ичра «кичик шаҳар» бўлиб, 80 гектар майдонни эгаллайди. Унинг қурилишига 3-5 миллиард доллар миқдорда маблағ сарфланиши мўлжалланмоқда. «Тошкент-Сити»да 40-45 қаватли 2 та банк биноси ва 230 ўринли 5 юлдузли меҳмонхона, конгресс-холл қад кўтарди. Шунингдек, инновация боғи, спорт майдончалари, волейбол, теннис кортлари, махсус югуриш йўли қурилиши кўзда тутилган.

«Тошкент-Сити» бизнес маркази мажмуасида ҳамма нарсга муҳайё этилади. Хизматнинг барча турини узоққа бормай, ҳатто бинодан ташқарига чиқмай, яқин ва қу-

лай жойда, бионинг ўзида ёки шундоқкина ёнида бажариш имконияти пайдо бўлади. Бу ерда алоҳида савдо ҳудуди барпо этилади. Сифатли кўрсатилган хизмат, аввало, кўп меҳнат ва, ҳайрон бўлманг, меҳр, қолаверса, албатта, нозик ва пухта ижодий ёндашувни талаб қилади. Бу хизмат, тан олиш керак, қиммат туради, лекин баҳосига арзийди.

2021 йилга қадар қуриб битказилажак «Тошкент-Сити»да бутун иш қизғин. Насиб қилса, яқин келажакда бу масканининг бутун кўрк-у таровати, жоибаси-ю салобати, салоҳиятини ўз кўзингиз билан кўрасиз.

ЎЗА

КУН НАФАСИ

22 феврал кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Унда хорижий туристлар оқимини кўпайтириш ва ички туризмни янада ривожлантириш, сайёҳлик хизматларини яхшилаш ва турларини кенгайтириш бўйича қўрилаётган чоралар самарадорлиги танқидий таҳлил қилинди.

22 феврал кунини Президентнинг «Иқтисодиёт базавий тармоқларидаги лойиҳа ишларини ҳамда муҳандис-лойиҳаловчиларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Унда лойиҳа ишлари сифати ва уларни маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, ушбу соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш, шунингдек, «ЎзИнжиниринг» республика лойиҳа институтини фаолиятини янада такомиллаштириш кўзда тутилган.

Президентнинг «Мулкдорлар томонидан фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларидан оқилона, мақсадли ва самарали фойдаланишни юзасидан назоратни қучайтиришга онд қўшича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини хатловдан ўтказиш ҳамда аниқлаш бўйича Идоралараро комиссияларга инвестиция лойиҳаси амалга оширилгани ёки оширилмагани ҳақида ҳулосалар бериш вазифаси юклатилди.

Қарорда яна кўплаб вазифалар белгиланган.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов шу йилнинг баҳорда Ўзбекистонга давлат тапшири билан келади. Бу ҳақда Туркменистоннинг Тошкентдаги элчиси Ширин Ширинев маълум қилган.

Унинг айтишича, ҳозирда томонлар Мирзиёев ва Бердимухамедовнинг учрашувида фаол тайёргарлик кўрмоқда. Музокаралар доирасида кўплаб масалалар муҳокама қилинади.

2018 йилнинг 21 февралдан 1 мартга қадар мамлакатимизда Халқаро валюта жамғармасининг Статистика департаменти ишчи миссиясини фаолият юритади. Миссиянинг асосий мақсади Ўзбекистонда ХВЖнинг кенгайтирилган маълумотларини тарқатиш умумий тизимини жорий этиш масаласида кўмаклаштириш ҳисобланади.

Ушбу тизимга қўшилиш Ўзбекистон иқтисодиётининг хорижий компаниялар, корхоналар ва сармоядорлар учун янада очик бўлишини таъминлайди.

Жасур Арипов Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди. У қўмитада Божхона назоратини ташкил этиш бош бошқармаси, Божхона текширувлари ва суриштирувлари ҳамда Ҳукукий бошқармалари фаолиятини назорат қилади.

Арипов илгари Мажбурий ижро бюроси директорининг биринчи ўринбосари сифатида ишлаган.

Ўзбекистон Бош прокурорининг янги ўринбосарлари тайинланди. Унга кўра, Эркабой Тожиев Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари, Саидлазиз Саидқаримов эса Бош прокурорнинг ўринбосари этиб тайинланди.

Адлия катта маслаҳатчиси Эркабой Тожиев Бош прокуратура бошқарма бошлиғи, Тошкент вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори вазифаларида ишлаган. 2017 йилнинг 14 ноябрида Бош прокурорнинг ўринбосари этиб тайинланган эди.

Бош прокуратуранинг расмий сайтидаги маълумотга кўра, Адлия маслаҳатчиси Саидлазиз Саидқаримов Ўзбекистон Президентининг 2016 йил 25 августдаги фармонида биноан «Дўстлик» ордени билан тақдирланган. Ўша пайтда у Бош прокуратуранинг ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимда бўлган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бошқарувида «Ижтимоий дорихоналар — аҳоли учун улкан имконият» мавзусида анжуман ўтказилди.

Йиғилишда аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида 2018-2019 йилларда 2 мингта ижтимоий дорихоналар тармоғини яратиш режалаштирилаётгани айтиб ўтилди. Арзон дориндорлар энг олис кишлоқларга қай тартибда етказиб берилиши, омборхоналарда уларни сақлаш ва махсус техникаларда кўчма дорихоналарни ташкил этиш ҳақида ҳам атрофича маълумот берилди.

Интернет нашрлари ҳамда мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди

Йиғилиш



Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Янгича ёндашув зарурати

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кенгаши фаолиятида «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йўли»да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Тадбиркорлар учун яратилаётган қулай шароит ва имкониятлар туфайли юртимизда турли йўналишдаги трансмиллий ва қўшма корхоналар сони тобора ортиб бораётгани аниқ ҳақиқат. Умумий овқатланиш шохобчалари, кафе ва рестородалар, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркор, хунарманд ва оилавий корхоналар фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар кўп.

Юртимизда тадбиркорликни янада ривожлантириш, уларга ҳар томонлама қўмак бериш, самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида кенгаши қошида ишчи гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. У касаба уюшмаси аъзолари, бошланғич ташкилотлари ва ҳудудлардаги фаолларнинг таклиф ва мулоҳазаларини ўрганиш билан бирга тадбиркорлар билан тизимли равишда учрашувлар ўтказиб боради. Уларда, одамларни қийнаётган муаммолар муҳокама этилиб, камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилади.

Мамлакатимизда 12 та эркин-иқтисодий ва 45 та саноат ҳудудининг фаолият бошлагани натижасида иқтисодий ривожланиш суруяти жадаллашди. Келгусида яна 50 та янги саноат ҳудудини ташкил этиш режалаштирилаётгани касаба уюшмаси ташкилотлари зиммасига ҳам муҳим вазифаларни юкламоқда.

Эндиликда тармоқ касаба уюшмаси тадбиркорликни жадал ривожлантириш, соҳада фаолият юритаётган меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси масалаларига янгича ёндашиш зарур. Бу эса, ўз навбатида, тармоқ кенгашлари ва бошланғич

ташкilotлар фаолиятини тубдан тақомиллаштиришни тақозо этади. Шу муносабат билан кенгашнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кенгаши қошида тузилган ишчи гуруҳ таклифи асосида тармоқ «Ўзбекистон тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси» дея қайта номланди. Бундан ташқари, кенгаши аппарати таркибиде янги раис ўринбосари лавозими жорий этилиб, унга Шухрат Нусратов сайланди. Йиғилишда уюшманинг режа ва вазифалари ҳам муҳокама этилди.

А.Ортиқхўжаев, тармоқ касаба уюшмаси Зангиота тумани кенгаши раиси:

— Давлатимиз раҳбари тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонликни қўллаб-қувватлашга асосий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидламоқдалар. Бугунги йиғилишдан қўзланган мақсад ҳам тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, имкон даражасида амалий ёрдам кўрсатишдир. Тармоқ касаба уюшма номини ўзгартириш кўпчиликнинг дилидаги гап бўлди. Чунки ишчимизнинг аксарият қисми бевосита тадбиркорлар ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ. Бу билан сифимизни янада кенгайтириш, уларни ижтимоий-иқтисодий ҳимояга олиш имкониятига эга бўламиз.

Сурайё Абдуазимова, «Тошкент универмаги» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Сўнгги йилларда республикаимизда амалга оширилаётган ислохотлар том маънода тарихий ҳолисадир десак, муболага бўлмайди. Албатта, бу ўзгаришларда касаба уюшмалари ҳам фаол иш олиб бормоқда. Айниқса, ташкилот томонидан олис кишлоқлардаги эҳтиёжманд оилаларга кўрсатилаётган қўмак аҳолини жуда қувонтиради. Ўзим ҳам касаба уюшмаси вакили сифатида юртимиз ривожига ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

Нозима УМАРОВА,
«Ishonch» мухбири



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

Бугуннинг нафаси

Миллат юзидаги нур, қалбидаги қуёш

«1

... Кўкон яқинидаги Бешариқ туманида Гуласал Хусанова исм-шарифли имконияти чекланган аёл бор. Бир неча йиллардан буён тўшакка миҳланган. Гуласалининг инжа — шоир калби бор. У табиат, муҳаббат ҳақида ниҳоятда чиройли шеърлар ёзади. Биз унинг шеърларини «Саодат» журнали, «Гулчехралар» газетасида чоп этиб турамыз.

Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёва бир пайтлар ўша тумanning раҳбарлигига қўнғироқ қилиб, Гуласалининг китобини чоп этириш, турмуш шароитини яхшилаш масалаларида ёрдам беришларини сўраган эдилар. Шундан сўнггина ногирон аёлни қўллаб-қувватлаш борасида бироз силжишлар бўлган эди. Президент фармонидаги «Хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш» каби бир неча бандларда такрорланувчи вазифалар Гуласал каби қанча опа-сингилларимизнинг кўнглида умид чирғини ёққан, ҳаётга, яшашга иштиёқ уйғотганига шубҳа йўқ.

Яна мазкур фармонда белгиланган хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозимининг таъсис этилиши алоҳида аҳамиятга молик. Менга бир воқеани гапириб беришган эди. Ота-онаси ажрашиб, ҳар бири ўзича оила қуриши натижасида уйсиз, жойсиз қолиб кетган бир киз тох у қариндоши, тох бу қариндошини-

кида сиғинди бўлиб яшаб воёга этади. Уйсизлик жонига теккани учун бўлса керак, «Кўп пул ишлайсан, уйи бўласан» деган гапга ишониб, бир аёлга эргашиб хорижга кетади. Аммо у ерда фирибгарларнинг тузоғига илинганини билади. Бир неча муддатдан сўнг Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган «Истикболли авлод» маркази кўмагида юртга қайтади. Шу марказ кўмагида психологик, тиббий ёрдам олиб, руҳан салтиклангач, маҳалласига — қариндошлариникига қайтмоқчи бўлса, унинг қарорини етказган вакиллар:

— Қаерга борса, бораверсин, бизни иснодга қўйди, — деган кўксидан итаридиган гапни эшитишди. Нима демоқчиман?

Энди янги таъсис этилган лавозимдаги мутахассиснинг бундай нозик масалаларга ҳам аралашшига маънавий, ҳуқуқий ҳаққи бор. Тўғри, бизда ор-номус, шаън масалалари қаттиқ. Лекин руҳан эзилиб, алданиб, яқинларидан мадад истаётган ёш аёлни ҳам тушуниш керак-ку?! Яна бу лавозимдаги аёлнинг зиммасида айнан шундай воқеалар эркак-аёллар серкатнов эканини қўшнилар билишади. Аммо «Гуноҳи ўзига, менга нима?» тарзида муносабатда бўлишади. Янги таъсис этилган лавозим эгалари айнан ана шундай лоқайд, бепарво муносабат ўзини бутунлай бошқача йўлга бура олиши керакки, ҳар бир фуқарода «маҳалладошим, қўшним менга бегона эмас, унга сачраган лойнинг доғи менгаям тегади» деган қайфият уйғониши керак. Фармондаги барча

бандлар хотин-қизларнинг оғрикли муаммоларига ечим излаш, ечим топишга ундаш, айнан шу нуқта назарини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Айниқса, оилалар мустаҳкамлиги, оилалар ҳимоясига кўп эътибор қаратилгани алоҳида эътирофга лойиқ. Чунки «Оила» сўзи тўртта ҳарф, тўртта устундан иборат бўлса-да, у жамиятимизнинг асосий ўзаги ҳисобланади. Оила ажодлардан мерос кадриятларни авлодларга етказувчи кўприк. Оила — фарзандларни камолга етказадиган тарбияхона. Оила — қундузги ташвишларнинг, толиқишларининг ўзида олиб қолиб, янги қушга куч берувчи, иштиёқ берувчи манба. Лекин жамият ва табиатдаги ҳамма нарса ўзгаришда бўлганидек, бугунги оила ҳам кечаги оила эмас. Истиқлол даври ислохотлари, айниқса, кейинги бир йил ичида кечаётган ҳаётимиздаги шиддатли ўзгаришлар ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро фикратига акс садо бораётгандек...

«Кадриятларни мен ҳам кадрлайман, — дея хат ёзибди қашқадарёлик Нафиса исмли шифокор келинчақ. — Мен ота-онамнинг «Севги деб Қашқадарёнинг бир кишлоғига келин бўлиб кетясан. Хали роса қийналасан», деган гапига қарамай қўнғил қўйган инсонимга турмушга чиқиб келган эдим. Тўғри, меҳнаткаш, ҳалол оила. Лекин келин бўлганим учун ўз фикримни айтишга ҳақким йўқ. Нимадир муносабат билан фикр билдирсам, дарров бетгачопага чиқаман. Масалан, кредитга кир машина, қангитотгич каби рўзгор буюмларини олайлик, дедим. Эрим «Менга қиз боланинг отаси олиб берган нарса керак эмас», деб бу буюмларни сарпога қўшдирмаган эди. Мардлиги учун раҳмат. Лекин

кайнотам, қайноғам «Бизнинг аёллар бир умр қўлида кир ювиб, супургиде уй тозалаган, қарзга нарса олиб, ўлгунча тўлаш шарт эмас», дейишяпти. Устига-устак, «Хали сизнинг рўзгор ишларига аралашинингизга етти қовун пишғи бор», ҳам дейишди. Эрим эса «сабр қил»дан нарига ўтмаяпти...

Нафисанинг хати узун, саволлари кўп. Унинг саволларидан бирига Фармондаги «Эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш асосида замонавий намунали оила мезонларини белгилаш» ҳақидаги кўрсатма жавоб беради.

Дарҳақиқат, фарзандларимизнинг фикрлаш даражаси ўзгариб бораётгани, уларнинг «шахс» сифатида ўзлигини намоён қилишга ҳаракат қилаётгани, дунё кезиб, дунё кўраётгани уларнинг фикратига қатта ўзгаришлар ясамоқда. Бу ингилкининг фармонда акс этиши замонавийликка интилаётган ёшлар учун тоғдек таъин ҳисобланади.

Юртимизда бир умр фарзанд тарбияси билан шуғулланган, уч, тўрт, беш нафар зин, ёшли, спортчи, санъаткор фарзандларни бекаму кўст тарбиялаган оналар оз эмас. Улар учун «Мўътабар она» кўкрак нишонининг таъсис этилиши яхши тарбияга берилаётган юксак баҳолидир. Фармон энди қуча қирди. Ҳар бир банди раҳбарларда масъулият, ҳамма-ҳаммада инсоний туйғуларни уйғотишга қаратилган бу тарихий ҳужжат олдимизга қўйган вазифалар дилимизга қувват, ҳаракатимизга шиддат бахш этилиш шубҳасиз.

Қўтлибека РАҲИМБОЕВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими

Самарали келишув

Ички ишлар ходимлари касаба уюшма ҳимоясида

Аҳоли тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилаётган Ички ишлар ходимларининг жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш борасидаги машаққатли хизматлари доимо эътироф этиб келинади. Айни пайтда тизимида амалга оширилаётган ислохотлар соҳа ходимларини халқимизга янада яқинлаштирмоқда.

Анваржон АБДУМУХТОРОВ,
Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси



Шу нуқта назардан Президентимиз 2017 йил 17 август кунини ички ишлар тизимида олиб борилаётган ишларнинг аҳволида бағишланган видеоселектор йиғилишида: «Агар биз, такрор айтман, мана шу соҳани жой-жайида қўймас эканмиз, одамлар, халқимиз бизга ҳеч қачон ишонмайди. Одамларга биринчи гада тинчлик керак. Тинчликни бевосита таъмин-

лаб берадиган эса ички ишлар идораларидир», деган эди.

Таъкидлаш керакки, 2017 йилнинг 28 декабрида илк мартаба Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2018-2019 йилларга мўлжалланган Тармоқ келишуви имзоланди ва ва-

зирлик тизимида ишловчи махсус унвонга эга бўлган ходимлар ҳамда ишчи-хизматчилар учун ҳам қатор имтиёз ва кафолатлар белгиланди.

Шу пайтга қадар касаба уюшмалари томонидан ички ишлар органларида меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилиниб келинар эди. Жорий йилнинг январ ойида Ички ишлар вазирлиги, соҳавий тармоқлар ва ҳудудий бошқармаларнинг махсус унвонга эга бўлган ходимлари билан касаба уюшма ташкилотини тузиш бўйича меҳнат жамоаларининг умумий йиғилишлари ўтказилиб ҳамда бошланғич ва бирлашган касаба уюшма қўмиталари ташкил этилди. Тармоқ келишувининг имзоланиши ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг касаба уюшмасига аъзо бўлиб кириши уларнинг ижтимоий ҳимоясини янада юқори босқичга кўтариши шубҳасиз. Буни ички

ишлар ходимлари касаба уюшмасига аъзо бўлган Америка Қўшма Штатлари, Германия, Франция, Россия, Нидерландия, Испания ва бошқа ривожланган мамлакатлар тажрибасида ҳам қўришимиз мумкин.

Ҳўш, ушбу Тармоқ келишуви вазирлик тизимида ишловчи ходимлар ва ишчи-хизматчиларга қандай имтиёзлар беради?

Аввало, касаба уюшмасига аъзо бўлган ички ишлар ходимларининг нафақат ўзи, балки оила аъзолари ҳам санаторийда дам олиш учун имтиёзли йўлланмаларга эга бўлади.

Ушбу йўлланмалар орқали Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги санаторийлар ҳамда Исиккўлда жойлашган санаторийда даволаниб, саломатлигини мустаҳкамлаш имконига эга.

Шунингдек, сўлим гўшаларда жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, бир қанча дам олиш масканлари ва даволаш муассасасида ички ишлар ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ҳордиқ чиқариши мумкин. Ҳар йили умумхалқ байрамлари муносабати билан маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари ташкил этилади, спартакиадалар, турли оилавий мусобақаларда

қатнашиб, вақтини мазмунли ўтказиш билан бирга, саломатлигини мустаҳкамлаб борадилар. Бундан ташқари, моливий қийинчиликлар юзга келганда касаба уюшма аъзоларига тизимли моддий ёрдам кўрсатилади.

Узоқ йиллар ички ишлар органларида хизмат қилган фахрийларга, хизмат вақтида ҳалок бўлган ҳолимларнинг оилаларига доимий ғамхўрлик кўрсатиш, фарзандлари учун ўқув қуроллари харид қилиш, тарихий шахарларимизга саёҳатини уюштириш ҳам тармоқ келишуви билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Ички ишлар вазирлиги раҳбариятининг ёки бирлашган касаба уюшмаси қўмита раисларининг тавсиясига асосан йил давомида маълум ўқишларга эришган ходимлар учун касаба уюшмалари ҳисобидан санаторийларга бепул йўлланмалар ажратилади.

Шунингдек, Тармоқ келишувида ходимларга ҳақ тўланадиган қўшимча дам олиш кунлари белгиланган. Унга қўра, оиласида фарзанд туғилганида отага — икки иш, ходимнинг оила қуриши муносабати билан — уч иш, фарзандини уйлантириши (турмушга бериши) муносабати билан — икки иш, яқин қариндошларининг дағи маросимига — уч иш кунни дам олиш сифатида берилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, имзоланган Тармоқ келишувида белгиланган имтиёз ва кафолатлардан ҳар бир ички ишлар ходими тўла фойдаланиши учун барча имконияти яратилган.

Диққат, танлов!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ»

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистлари қайта тайёрлаш маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун кенг шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий мушоҳада ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувлари шакллантириш ва рағбатлантириш мақсадида «Олтин қалам» XIII миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги қунига бағишланган бу танловга 2017 йилнинг 31 мартдан 2018 йилнинг 31 мартгача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва Интернет нашрларида берилган материаллар 2018 йилнинг 10 апрелгача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:
ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА БОШ МИЛЛИЙ МУКОФОТ

Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдориде пул мукофоти билан тақдирланадилар.

бари миқдориде пул мукофоти билан тақдирланади.

АСОСИЙ МУКОФОТЛАР:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение) — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио) — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма оммавий ахборот воситалари) — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика) — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдориде пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдориде пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдориде пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:

оммавий ахборот воситаларида китобхонлик маданияти тарғиб қилинган энг яхши материал учун;

чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақида энг яхши журналистик материал учун;

энг яхши фоторепортаж;

энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар ғолиблари диплом,

«Олтин қалам» статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдориде пул мукофоти билан тақдирланадилар.

«Олтин қалам» танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фонднинг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, миллий ҳамкорлар ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО каби қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва элчихоналар ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган (илова қилинади).

Танлов шартлари:

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда Интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар (CD, DVD диска) 3 дақиқадан 30 дақиқача бўлиши керак.

Радиозинтиришлар (CD, DVD диска) 5 дақиқадан 30 дақиқача бўлиши керак.

Матбуот ва Интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши мумкин:

— муаллиф ҳақида маълумотнома (объективна);

— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2018 йил 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги қунида тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.


Материаллар «Олтин қалам» танловига» деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават.

Телефонлар: 244-64-61, 244-37-87.

www.journalist.uz

«Ishtonch» газетасида чоп этилган «Севги изтироби» экранга қайтадими?» мақоласини ўқиганимдан сўнг ҳа-
ёлимга турли фикр-мулоҳазалар келди. Шунда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа эсимга тушди. Физиотерапия хо-
насида муолажа олиб ётар эканман, оддий пластик девор билан ажратилган қўшни бўлинмачадаги бемор
аёл ва ҳамширанинг суҳбати эътиборимни тортади.



(«Ishonch» газетасида чоп этилган мақоладан кейинги ўйлар)

Нурбек ТОШНИЁЗ

Шу билан бирга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ва Грузия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳам ўз муқофотлари билан иштирок этишни режалаштирмоқда.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани «Давлат хизматлари маркази» томонидан (15.03.2017 йил ре-
-001007-09) бўйжақа олинган «MIR CARGO» МҶҲ (СТИР 304744219) фаолияти корхона муассисларини
02.2018 йилдаги 1-сонли қарорига (ПК 630-қарор 7-бандига) асосан тугатилади.
Давлолвар 2 ой мобайнида Гулбод, Марказ-26-«А» уй, 12-қондондан манзилда қабул қилинган

Ораимиздаги одамлар

Тур, Баҳодир, сени спорт кутяпти!



— Эшитдингизми, Баҳодир полвон инсулт бўлиб қолибди. Ушбу хабардан юрагим қалқиб кетди. Полвон билан охирги суҳбатимни эслашга уриндим. У ҳақида очерк тайёрлаш мақсадида учрашгандим. Бирон соат суҳбатлашганимиздан сўнгра Баҳодир ака анча толиқиб, «Уэр, қон босимим кўтарилди, шекилли, кейинги пайтларда 200 дан ошиб кетаяпти, докторлар қимирламай ётинг, дейишган, тинч ўтириш ҳеч қўлимдан келмаяпти», деганди. Суҳбатимиз чала қолгач, эътиборсизлигим оқибатида очерк ҳам тугатилмади.

Орадан уч-тўрт ой ўтиб эса ноҳуш хабарни эшитдим. Очиғи, шундан бери орадан икки ярим йил вақт ўтди. Ҳар сафар полвоннинг ҳасталиғи ҳақида ўйласам, ўша суҳбатдаги яна бир гапи эсимга тушади: «Мен баъзида ўзимга ўзим, Баҳодир, қўй, олтимиш бешга чиқдинг, энди дам олсанг бўларди, деб қўяман. Бир зум ўйлаиб тураман-да, ие, Баҳодир, энди олтимиш бешга чиқдинг, отанг саксон ёшигача юрт хизматида бўлган, сен ҳам яна камида 20-30 йил ишлашинг керак, ҳали қиладиган ишларинг кўп, дейман».

«Юрағида ёлқин бор» деган таъриф Баҳодир акага мос. У ҳар доим чапдаст ҳаракатлари билан атрофдагиларни хайрон қолдириб келган. Тиниб-тинчимас бу инсонни таниганлар: «Шу одамнинг жони темирдан бўлса керак», деб қўйишарди. Инсон Аллоҳ яратган мавжудодлар ичра энг кучлиси, энг қудратлиси, энг иродалиси. Баҳодир Бекжонов тақдирини талқин қилганда, ҳаёлимдан мана шу фикрлар кечади. У кишининг қирралари кўп. Албатта, полвонлиги биринчи ўринда туради.

СУЛОЛА

Полвонлик Баҳодир аканинг қонида бор. У киши давомчиси саналган сулоланинг бошида Оллаберган полвон номи тилга олинади. Бобо ўз даврида кўплаб рақибларининг курагини ерга теккизган. Деҳқончилик қилаб, ҳалол ризқ топган. Урганч туманининг Чаккашоликор қишлоғида истиқомат қилувчи нурунийлар ҳозир ҳам неварачевараларига Оллаберган полвон ҳақида кўп гапиришади.

Сулоланинг кейинги авлоди Бекжон Оллаберганов бўлиб, у Амударёда кема дарғаси бўлиб ишлаган, деҳқончилик, хунарамандчилик билан шугулланган. 1938 йилда халқ душмани сифатида (хазирги Қатагон қурбонлари хиебони ҳудудида) отиб ўлдирилган.

Бекжановлар сулоласи вакилларида икки нафари «Эл-юрт ҳурмати» ордени, икки нафари «Ўзбекистонда хизмат кў-

сатган спорт устози», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонларига, «Жасорат» ва «Шуҳрат» медалларига сазовор бўлган. Тўрт нафари спорт устаси, 30 дан зиёди спорт усталигига номзод бўлиб етишган.

СПОРТ ЯШАШНИ ЎРГАТАДИ

Оиладаги муҳит Баҳодирнинг калбида спортга, ҳусусан, курашга меҳр уйғотди. Болалигида ака-укалари, қариндошлари билан кураш тушиб тобланган ўспирин олдин кишлоқда, кўп ўтмай вилоятда танилди.

Баҳодир 10-11 ёшларидан бошлаб кураш тушади. Давраларда нафақат тенгқурларини, ундан катталарни ҳам мағлуб қилди. Ўртабўй, қорамағиз йигитча чайирлиги, эпчилиги билан рақибларини доғда қолдирарди. Тиришқоклиги, ғалабадан сармаст бўлиб кетмаслиги, мағлубиятдан қўчмаслиги ва руҳан ҳар доим тетик юриши кейинчалик унинг моҳир спортчи бўлиб етишшини таъминлади.

— Спорт инсонга яшашни ўргатади, — деганди Баҳодир ака бир суҳбатимизда. — Сизнингча, полвоннинг ғалаба қозонишида нима муҳим ўрин тутаяди? Кучми? Йўқ. Зийраклик, ҳалоллик, ҳаракат ва мақсад. Ҳаётда бирон нарсага эришиш учун шу хислатлар жуда зарур.

Ҳа, шу хислатлари туфайли Баҳодир Бекжонов нафақат полвон, балки ҳакам сифатида ҳам доврқ қозонди. 1999 йилда Тошкентда бўлиб ўтган кураш бўйича катталар ўртасида биринчи жаҳон чемпионатида унинг энг яхши ҳакамлардан бири сифатида эътироф этилгани фикримиз исботидир.

УСТОЗЛИК — УЛУГ МАРТАБА

Баҳодир акани эл аро азиз қилган яна бир жиҳати унинг ажойиб устозлигидир. У 1976 — 2000 йилларда жамоатчилик асосида эркин кураш ва кураш

бўйича Хоразм вилоят терма жамоаси бош мураббийи сифатида фаолият олиб борди. Бу даврда вилоят терма жамоаси турли мусобақаларда 21 марта бош совринни қўлга киритди. Кейинги йилларда эса унинг ўн икки нафар шогирди республика мусобақаларида ғолибликка эришган.

2006 йилдан то ҳасталик тўшаққа миҳлагунга қадар Урганч туманидаги Пахлавон Маҳмуд спорт мажмуасида фаолият олиб борди. Бу даврда, айниқса, қизлар ўртасида курашни оммалаштиришга эътибор қаратди. 2015 йилда «Кураш спортчи маликалари» мусобақалари мунтазам ўтказиб келинди. Гулёр Отажонова Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганида, Баҳодир ака шогирдининг муваффақиятидан ҳаммадан кўп қувонганди. Умумий ҳисобда 48 йиллик фаолияти давомида Баҳодир Бекжонов 5 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 40 нафар спорт устаси, 600 дан зиёд оммавий разрядли спортчиларни етиштирган.

«МЕН ҲАЁТНИ СЕВАМАН»

....2000 йили унга инсулт деб ташхис қўйилди. Олти ой шифохонада даволанишига тўғри келди. Иккинчи гуруҳ ногиронлигига чиқаришди. Унинг ори келди. «Йўқ, спортчи ногирон бўлмайдим — мен ногирон эмасман...», деди ўзига ўзи. Ва кўп ўтмай ирода кучи билан оёққа турди.

— Ўтган асрнинг 90-йиллари эди. Грузияга кураш мусобақасига ҳакамлик қилиш учун бордим. 70-75 ёшли ҳакамларни кўриб, хайрон қолдим. Улардан «Нафақага чиққанми?» деб сўраганим, каттиқ хафа бўлишди, — дея хикоя қилган Баҳодир Бекжонов. — Ўша суҳбат бутун умр ёдимда қолган. Мен ҳам ўша ҳакамлар каби ҳар доим ёш ва сергайрат бўлишни истайман.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси Баҳодир Бекжонов умрининг 58 йили курашларда кечди. У нафақат ғалаба учун, балки ҳаёт учун, гуруҳ ва шаън учун курашди. Бу курашлар уни тоблади. Янашга ундади.


Яқинда Баҳодир ака билан телефонда гаплашдим. Овозлари анча дадил. Биламанки, у киши яна оёққа туради. Яна ўша арслонга айланади, яна қўллаб шогирдлар етиштиради.

Мухаббат Тўрабоева,
«Ishonch» мухбири


Реклама ўрнида

AGROBANK

ИСТЕЪМОЛ — КРЕДИТИ —



МЕБЕЛЬ



МАИШИЙ ТЕХНИКА



ТЎЙ МАРОСИМЛАРИ

ВА БОШҚА ИСТЕЪМОЛ МАҲСУЛОТЛАРИ УЧУН

* КРЕДИТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИГА МАМЛАКАТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАР УЧУН АЖРАТИЛАДИ

/AgrobankChannel
/agrobankuzbekistan

Agrobank Mobile иловасини юклаган

Download on the App Store

GET IT ON Google Play

www.agrobank.uz
тел. (+99871) 203 88 88

Хизматлар лицензияланган

Муаммо

Кўчани супурмай қўйдик...

Пойтахтимиз кундан-кунга чирой очиб бораётур. Бироқ беш қўл баробар бўлмаганидек, қўп сонли аҳоли истиқомат қилаётган шаҳримизда ўзига хос муаммолар борлиги кўнгилни хира қилмасдан қолмайди.

Миробод — пойтахтнинг марказида жойлашган туман. Бу ерда кўзни қувнатадиган, ҳавас қилса арзийдиган масканлар бисёр. Афсуски, «Оқ уй» маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўчаларда бунинг аксини кўрасиз. Эски отчопар ва Бешкент кўчаларининг йўллари ниҳоятда абгор. — Йўл ҳолати мутасаддилар эътиборидан четда қолмоқда, — дейди Эски отчопар кўчасида яшовчи Дурдона Саъдуллаева. — 2001 йилда шу маҳаллага келин бўлиб тушганимда ҳам кўчанинг аҳоли шундай эди. Ҳозир ундан ҳам баттар. Ўзбек аёли борки, эшиги олдини супуриб-сидиради. Биз кўча супурмай қўйганимиз. Дангаса экансиз, деган халғи борманг. Кўчамизнинг бирорта текис жойи йўқ. Уйимизга меҳмон келиб қолса, тўғриси, кўчамиздан уяладиган бўлиб қолганмиз. Йўлнинг дабдалалигидан таксичилар ҳам бу кўчага қирмайди. Газетадан келганимизни эшитиб, маҳалладагилар кўчани таъмирлаш бўйича кўп бора мурожаат эттишгани, бироқ ижобий натижа бўлмаганини айтишди. — Бизнинг кўча «машхур» бўлиб кетди. Унинг ҳолати бир



неча марта телевидениеда намоиш этилди, — дейди Шахноза Махмудова. — Тегишли жойларга мурожаат қилдик, бироқ улар ҳам самара бермади. Устига-устак, шундоқ ҳам жиддий таъмирга муҳтож бўлиб турган йўлни куз ойларида қовлаб, кабел ўтказишди. Йўл таъмирловчилар эса фақат қовланган жойни таъмирлашди, ҳолос.

«Оқ уй» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Анвар Юсуповнинг айтишича, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан йўлни таъмирлаш бўйича маблағ ажратилган ва бош режага киритилган. Аммо, амалда ҳеч қандай иш бажарилмаган.

Одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очик мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш фақат қозғода эмас, амал бўлса эди...

Жамшид ЭРҒАШЕВ,
«Ishonch» мухбири
Муаллиф олган суратлар.

МУАССИС:



2007-йил 11 январда
Ўзбекистон ва ахборот
агентлигида 116-рақам
билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир:
Ҳусан ЭРМАТОВ

Таҳрир хайъати:

Абдулазиз Абдуллаев, Тўлқин Тешабоев, Эсон Ражабов,
Улуғбек Жалменов, Фарҳод Хананияев, Равшан Бедилов, Асрор
Ишанходжаев, Мухаббат Ўрмонбекова, Оксана Белоусова,
Тимур Мамажонов (бош муҳаррир ўринбосари), Акмал Тошев

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

Манзилими:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, лайшанба ва шанба кўнлари чиқади.
Сотувда эркин нархда.
Газета «Ishonch»нинг компютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси — (+998-91) 268-92-32
Андижон — (+998-91) 475-23-60
Бухоро — (+998-93) 653-50-81
Жиззах — (+998-91) 943-67-44
Наманган — (+998-90) 260-50-77
Навоий — (+998-93) 314-13-03
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-91) 141-27-70
Хоразм — (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлангани мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

А. Қодирова
Навбатчи:
Н. Махамов
Мусаххих:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Х. Абдужалилов
Босишга топшириш вақти: — 21:50
Топширилди: — 22:50
12346
Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буортма Г — 209.
35402 нускада босилди.
Нашр қўрсаткичи: 133